

Ватанга қасамёд - садоқат ва вафо онтидир!



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафиға муддатли ҳарбий хизматга қабул қилиниши муносабати билан Жанубий-Фарбий маҳсус ҳарбий округи Термиз туманида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам тантанали тарзда “Ватанга қасамёд” тадбири бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга шайланаётган муддатли ҳарбий хизматчиларга омад ва зафарлар тилашди.

Шундан сўнг саф майдонида юракларни ҳапқиртирадиган жарангдор сўзлар садоси остида йигитлар қасамёдга киришишди.

Шунингдек, тадбирда намунали хизматни бошлаган аскарларнинг ота-оналариға Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ташаккурномаси топширилди.

Тантанали тадбирда ҳарбий оркестр ва туман маданият бўлими томонидан концерт дастури намойиш этилиб, ҳарбийлар иштирокидаги кўргазмали чиқишлиари йиғилганларга фахр-ифтихор ва бир олам қувонч улашди.